

БУГУН — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил
14 январь
ЧОРШАНБА

№ 4
(12.119)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 17 ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН МУРОЖААТИ

Кадрли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Куролли Кучларимиз фахрийлари!

Авваломбор, мамлакатимиз ҳаётидаги кутлуғ сана — Ватан ҳимоячилари кунини, Куролли Кучларимиз ташкил толганнинг 17 йиллиги билан сизларни, барча юртдошларимизни чин қалбимдан сажимий муобрақабат этиш менга катта маънуният бағишлайди.

Утган давр мобайнида Ўзбекистонда мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир бўлган, ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган миллий армиямизни барпо этиш бўйича қўлама ва моҳиятга кўра ҳақиқатан ҳам улкан ишлар тизими равишда ва бошқариш-мувоҳабат амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш керак.

Армияни ислоҳ қилишнинг ҳар томонлама пухта ўйланган дастурига мувофиқ, мамлакатимиз хавфсизлигига қарши қаратилган ташқи ва ички таҳдид ва хатарларни чуқур ўрганиш асосида Куролли Кучларни қуриш ва бошқаришнинг мураккаб ва муҳим ҳарбий таълим ва тарбиянинг бирлаштирилган шакллари билан мамлакатимизда ягона мақсад ва вазифалар негизини ўз ичига олган ишончли мувоҳабат тизimini яратиш имконини берди.

Куролли Кучларимиз сафини тўлдирish тартиби изчил ва бошқариш-мувоҳабат таъминлаштирилди. Муддатли ҳарбий хизмат бир йилгача қисқартирилди, сафарбарлик-қабул резерв хизмати жорий этилди, шартнома асосида хизмат қилишга ўтиш деярли аяқланди, жорий йилдан бошлаб муддатли ҳарбий хизматга қабул бир йилда бир марта амалга ошириладиган бўлди. Бундай чора-тадбирларнинг барчаси Куролли Кучларимизнинг жанговар куч ва имкониятларини сезиларли даражада ошириб, бутун армиямизнинг қиёфасини тубдан ўзгартирди. Энг муҳими, аҳолимиз, биринчи навбатда ёшларимиз ўрта-сидда ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори юксак даражада кўтарилди, армияда хизмат қилиш то маънода шон-шараф ишга айланди.

Шу йиллар мобайнида сержант ва офицер кадрларни профессионал асосда тайёрлаш тизimini тақомиллаштириш борасида кўп ишлар қилинди. Бугунги кунда сержантларнинг қариб учдан икки қисми замонавий ўқув базасига эга бўлган, салоҳияти тобора ортиб бораётган сержантлар тайёрлаш мактабларида таълим олганини қайд этиш лозим. Куролли Кучларимизда хизмат қилаётган сержантларимиз шахсий таркибининг юксак жанговар ва сиёсий тайёргарлигини таъминлаш, ҳарбий қисм ва бўлинмаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни, ҳарбий тартиб-интизомни сақлашнинг чиндан ҳам муҳим омиллиги, муҳтасар айтганда, армиямизнинг асосий ўзаги айтади, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Айниқса, армияни қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш, қўшинларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг хизматлари учун ижтимоий-маиший шароитларни яхшилаш масалаларини қўриқиб келишимизда, асосан, биргина 2008 йилнинг ўзида ҳарбий хизматчиларнинг иш ҳақи ўртача 51 фоизга оширилди. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёшлар учун ишга жойлаштириш ва олий ўқув юрталарига ўқишга кириш бўйича қатор имтиёзлар тизими белгиланди. Хозирги кунда мамлакатимиз олий ўқув юрталарида армия сафарлари мардлик ва жасорат мактабини ўтаган, жанговар ҳамда сиёсий тайёргарликда юксак натижаларга эришган 22 миң нафардан зиёд ёшларимиз таълим олмакда.

Юқорида зикр этилган фикрлар-

ни умумлаштирган ҳолда, миллий мувоҳабати барпо этиш соҳасидаги чуқур тизимли ўзгаришлар натижасида армиямизнинг жанговар ва сиёсий тайёргарлик даражаси ва қудрати сезиларли равишда ошди, жамиятимизда, давлатимизда ҳарбий хизматнинг нуфузи, Куролли Кучларнинг ўрни ва аҳамияти янада янги босқичга кўтарилди, деб таъкидлаш учун бугун барча асосларимиз бор.

Ҳарбий қурилиш соҳасида жаҳондаги энг замонавий тажрибаларни ўзида мужассам этган ва айна вақтда миллий анъаналарни кўз қорачиқдек асраб-авайлаб келаётган армиямиз она Ватан хавфсизлиги, халқимизнинг тинч меҳнати ва осоишта ҳаётини, мамлакатимизнинг демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан изчил тараққий этишини таъминлашнинг ишончли кафолатига айланади.

Азиз юртдошларим! Марказий Осиё минтақасидаги ҳарбий-сиёсий вазият Афғонистонда 30 йилдан бундан давом этиб келаётган уруш, террорчилик ва экстремистик ҳаракатларнинг сўнгги пайтда фаоллашгани, наркоагрессиянинг қўлама тобора кенгайиб бораётгани сабабли ҳамон кескинлигича қолаётгани, ўйлайманки, ҳеч кимга сир эмас.

Дунёнинг турли минтақаларида давом этаётган маҳаллий урушлар, ҳарбий қарама-қаршилик ва моҳарола, террорчилик ҳужумлари халқроқ хавфсизликка таҳдид солмақда. Буларнинг барчаси ва биринчи навбатда мамлакатни модернизация қилиш, демократик янгилаш бўйича биз талланган стратегия армиямизни ислоҳ қилишни изчил давом этишири, уни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш, қўшинларнинг жанговар ва сиёсий тайёргарлиги самарадорлигини ошириш, бир сўз билан айтганда, Куролли Кучларимизнинг салоҳияти ва куч-қудратини юксалтиришга эътиборни янада кучайтиришни тақозо этади.

Шу борада қуйидаги вазифаларни амалга ошириш энг муҳим аҳамият касб этади:

Биринчидан. Мамлакатимиз хавфсизлигига қарши қаратилган реал таҳдидлар, юзага келиш эҳтимоли бўлган ҳарбий ҳаракатлар майдонини ўзига хос хусусиятларини чуқур баҳолаш, шунингдек, ҳоржий мамлакатларнинг ҳарбий қурилиш борасидаги тажрибасини ўрганиш асосида армиямизнинг қурилиши ва жанговар таркибини, қўшинларнинг бошқаруш тизimini янада тақомиллаштиришни таъминлаш зарур.

Хозирги пайтдаги урушлар ва ҳарбий моҳарола таҳлили шуни қўрсатмоқдаки, бугунги кунда Куролли Кучлар аввало тез ва шиддатли тарзда кенчадиган маҳаллий жанговар операцияларни амалга оширишга қодир бўлиши, мамлакат иқтисодиётига, муҳим ҳаётий таъминот объектлари ва коммуникацияларга, беғуноҳ одамларнинг ҳаёти ва саломаатлигига жиддий зарар етказишга қаратилган куролли ҳаракатларни содир этишда ҳар қандай бешафқат усул ва шакллари ишга солишдан қайтмайди, яхши қуролланган ноқонуний жангари тўдалар ва қўпуровчи-террорчи гуруҳларга қарши самарали курашишга тайёр туриши даркор.

Шу муносабат билан Бирлашган штаб, ҳарбий округлар қўмондонлигининг энг муҳим вазифаси жанговар бўлинмаларнинг сафарбарлик ва ҳаракатчанлик, ўзини ўзи бошқариш даражасини ошириш, уларнинг мамлакатимиз хавфсизлигига қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ва хатарларга қарши тезкор ҳамда самарали жавоб бериш қобилиятини янада кучайтиришдан иборат бўлмоғи лозим. Армиямизда махсус ташкил этилган янги турдаги ҳаракатчан бирлашма ва қисмлар — Махсус операцияларни амалга оширадиган кучлар, Террорчиликка қарши курашиш корпуси, разведка-қидирув взводлари, шунингдек, принципал жиҳатдан мураккаб, принципал жиҳатдан мураккаб янги бўлинмалар — вертолёт-ҳужум взводларининг тезкорлик ва жанго-

вар имкониятларини кенгайтириш ва кучайтириш, уларнинг юқори даражадаги тайёргарлигини таъминлаш, энг замонавий қурол-яроғ ва махсус воситаларга эга бўлишига эришиш ўта муҳим аҳамият касб этади. Куролли Кучлар ва қўшин турлари штаблари ўз саъй-ҳаракатларини турли бузғунчи кучлар, қўпуровчи-террорчи гуруҳлар жиҳодий ҳаракатларни содир этишда фойдаланиши мумкин бўлган мамлакат муҳофаза қилиш тизимидаги заиф бўливларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда зарур чораларни қўриш бўйича яқин ҳамкорликни таъминлашга қаратиши даркор.

Иккинчидан. Бирлашма ва қисмларнинг ташкилий-штат тuzилмасини янада тақомиллаштириш, фронт орти ва техник таъминот бўлинмаларидаги бир-бирини тақорлайдиган, самарасиз тuzилма ҳамда офицерлик лавозимларини қисқартириш ва ихчамлаштириш, бирлашма ва қисмлардаги гуруҳ командирлари лавозимларини сержантлар таркиби ҳисобидан тўлдирish борасидаги ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Буларнинг барчаси, биринчи навбатда армиямизнинг бошланғич бўлинма ташкили тuzилмани тубдан яхшилаш, шахсий таркиб жанговар тайёргарлигининг сифат даражасини ошириш, бўлинмаларнинг қудратли фаолиятини ташкил этишда сержантларнинг ролини кучайтириш, шунингдек, кичик офицер таркибининг хизмат фаолиятини, бирлашма ва қисмларни бошқариш тизими самарадорлигини юксалтиришга ёрдам бериши керак.

Учинчидан. Армиямизни замонавий турдаги қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан қуролантириш ўта муҳим вазифа бўлиб, айнан шунинг ҳисобидан армиямизнинг тезкорлиги ва ҳаракатчанлиги, зарур жанговар қудратини таъминлаш мумкин. Аввало, армиямизни замонавий жанговар ҳарбий техникалар, разведка ва кузатувнинг электрон тизимлари, нишонни юксак даражада аниқ урадиган тезкор қуроллар, самарали алоқа воситалари, шунингдек, яқка тартибда ва гуруҳларда қўлланадиган ишончли ҳимоя воситалари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Тўртинчидан. Олий ҳарбий таълим муассасаларининг интеллектуал савияси юксак, дунёқарши кенг, узокки кўра оладиган офицер кадрларни тайёрлаш борасидаги фаолиятини тубдан қайта қўриқиб қилиш талаб этилади.

Ҳарбий билим юрталари қурол-яроғ ва техниканинг замонавий тизимлари ҳамда қўшинларни бошқариш ва жанговар операциялар олиб боришнинг самарали усулларини ўзлаштириш ва синовдан ўтказиш бўйича амалда Куролли Кучларнинг етакчи ҳарбий-ишлий марказларига айланиши даркор. Бунинг учун улар жанговар шароитларга имкон қадар тўла яқинлаштирилган вазиятни моделлаштиришга қодир бўлган энг замонавий тренажерлар билан жиҳозланиши, ўқув жараёнида моделлаштириш ва симуляция усулларидан кенг фойдаланиши даркор. Шу муносабат билан Тошкент олий умумқўшни қўмондонлик билим юрти, Чирчиқ олий танк қўмондонлик билим юртида қисқа вақт ичида Куролли Кучларнинг Махсус моделлаштириш ва симуляция маркази ўқув бўлинмаларини ташкил этиш лозим. Уларнинг зиммасига марказий бўлинмаларнинг моделлаштириш ва симуляция усулларини, шунингдек, армиямизнинг офицер кадрлари ҳамда сержантлари таркибини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёни учун ахборот-коммуникация технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш вазифаларини юкляш зарур.

Бешинчидан. Муддатли ҳарбий хизматга бир йилда бир марта қақриш тизимига ўтиш, ёшларнинг ҳарбий қақриқдан олдинги тайёргарлик даражасига талабларнинг ортиши, шу билан бирга, армияда шартнома асосида хизмат қилишнинг кенгайиши мувоҳабат ишлари бўйича бўлинмалар ва бошқармалар фаолиятини тубдан қайта қўриқиб чи-

қишни талаб этади. Куролли Кучларнинг кадрлар таркиби ва сафарбарликка тайёргарлигини таъминлаш яхшилаш борасидаги барча ишларимизнинг самарасини кўп жиҳатдан белгилаб берадиган ушбу бўлинмаларда ҳарбий хизмат соҳасида катта тажрибага эга, армия билан яқин алоқада бўлган, унинг муаммоларини, бу соҳада амалга ошириладиган ислохотларнинг моҳияти ва мақсадларини яхши биладиган офицерлар ишлаши даркор.

Олтинчидан. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш, армияда моддий рағбатлантириш тизimini янада тақомиллаштириш бўйича белгиланган кенг қўламли чора-тадбирларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Яқин йиллар ичида ўнлаб замонавий ҳарбий шахарчаларни барпо этиш ва реконструкция қилиш, бу объектларда энг юксак талабларга ҳамда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларининг эҳтиёжларига жавоб берадиган қўлай ижтимоий-маиший шароит ва инфратuzилмаларни яратиш беришимиз керак. Ҳарбий хизматчиларни ўй-ғой билан таъминлаш бўйича тасдиқланган, 2015 йилгача мўлжалланган давлат дастурининг сўзсиз бажарилишига эришиш, ҳарбийларимизга табибий, курорт-санатория хизмати қўрсатишнинг яхшилаш чораларини амалга ошириш лозим.

Еттинчидан. Ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий, сиёсий тайёргарлигини янада тақомиллаштириш даркор. Барча бўлинмадаги командирларнинг фаолияти офицерлар, сержантлар ва аскарларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позиция ҳамда ватанпарварлик, мамлакат тақдирини ўқув масъулиятини билан яшаш, юртимиз мустақиллиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш тўғрисида янада кучайтиришга қаратилиши лозим. Армия амалда ёшларни маънавий, жисмоний жиҳатдан баркамол инсон ва етук граждандан сифатида вояга етказадиган ҳаёт мактабига айланиши шарт.

Куролли Кучларимизнинг жанговар қобилияти, мамлакатимиз хавфсизлигига ва жамиятимиздаги маънавий-ахлоқий муҳит бевосита ушбу вазифаларнинг нечоғлиқ муваффақиятли ҳал этилишига боғлиқ эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Ҳурматли ватандошлар! Армиямизнинг қудрати — аввало, унинг халқимиз ҳаёти билан ҳамбарчас боғланган мустаҳкам ришталарида, узвий алоқасида намоён бўлади.

Бугунги кунда Куролли Кучларимиз сафида Ватан манфаатларига чин дилдан садоқатли, муқаддас заминимиздаги тинч ва осузда ҳаётни кўз қорачиқдек асраб келаётган энг муносиб йигит-қизларимиз хизмат қилмоқда. Уларнинг фаолияти, жанговар азму шижоати ҳар қанчидан ҳам юқори баҳолаб, халқимизнинг юксак ҳурматига сазовор бўлмоқда, ҳарбий хизматчининг ўзи эса давлатимиз ва жамиятимиз гамқўрлигини амалда ҳар томонлама чуқур ҳис этмоқда.

Мана шу кутлуғ байрам кунинда мен Куролли Кучларимиз сафида Ватанни ҳимоя қилишдек мураккаб, айна пайтда дунёдаги энг олижаноб ва масъулиятли бурчини шараф билан адо этаётган мард ва жасур инсонларнинг ота-оналарига ўзининг сажимий миннатдорлигини изҳор этаман.

Сиз, азизларим, сизларнинг оила аъзоларингиз ва яқинларингизни Ватан ҳимоячилари кунини ва Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил этилганнинг 17 йиллиги билан яна бир бор табриқлайман. Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, она Ватанимиз раванқи йўлидаги хизмат фаолиятингизда янги муваффақиятлар, гайрат-шижоат, бахт ва омад тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти,
Куролли Кучлар
Олий Бош қўмондонини.



МУҚАДДАС БУРЧ

Ҳарбийдан қайтган аскар акасининг бош қиймини ҳавас билан кийиб кўраётган болакай қалбидан нималар кечини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Мен ҳам катта бўлсам, албатта, акамга ўхшаб аскар бўламан, дея оруз қилади у. Бу Ватанга муҳаббат, она-юрта садоқат туйғусининг илк нишонасидир. Йиллар ўтиб, ўша мураккаб қалбда юртин ҳимоя қилиш, деган масъулият



ҳисси уйғонади. Шу боис Ватан ҳимоячиси деган ном элда ҳамини шарафланган, муқаддас саналган. Айниқса, Мустақиллик йилларида озода Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш, юрт тинчлигини муҳофаза этиш шарафли бурчага айланади. Бугун ана шу бурчини миллий армиямизда хизмат қилаётган ҳар бир аскар қалбдан ҳис қилаётганига шубҳа йўқ.

(Давоми 2-бетда).

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2009 йил 12 январдаги "Ватан ҳимоячилари кунини муносабати билан ҳуқуқини муҳофаза қилиш органлари, мувоҳабат ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги Фармонига мувофиқ бир гуруҳ юртдошларимиз Ватаниннинг юксак мукофотлари — унвон, орден ва медаллар билан тақдирландилар. Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

- "Меҳнат шухрати" ордени билан**
Зухридинович — Тошкент вилоят Ички ишлар бошқармаси ёнгин хавфсизлиги бошқармасининг бошлиғи
- "Шухрат" медаллари билан**
Саримсоқов Маҳмуджон Тўхтасинович — Чирчиқ олий танки қўмондонлик муҳандислик билим юртининг кафедра бошлиғи
- "Содиқ хизматлари учун" медаллари билан**
Исроилов Носир Муродович — Тошкент вилоят Ички ишлар бошқармаси ёнгин хавфсизлиги бошқармаси бўлимидининг бошлиғи
- Обидов Раҳимжон Обидович** — Чирчиқ ҳарбий суди раисининг ўринбосари
- Тўраев Бехзод Махсудович** — Чирчиқ олий танки қўмондонлик муҳандислик билим юртининг курсанти

ТАДБИРДА ЁШЛАР
«Оммавий ватанпарварлик ойлари» доирасида Бекобод туманидаги Бўстон маҳалласида ёшлар учрашуви бўлиб ўтди. Туман муҳофаза бўлими ҳамда "Ватанпарвар" ташкилоти вакиллари она-юрт сарҳадларини ҳимоя қилиш, тинчлик ва осоишталанини таъминлаш ёш авлод учун муқаддас бурч эканлиги ҳусусида сўзлашди. Тадбирда ёшлар ўзларини қизиқтирган барча саволлар юзасидан батафсил маълумотга эга бўлдилар. Саид ҲАСАНОВ.

БИРЙЎЛА УЧ ҒОЛИБ
Анрен компьютер ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежининг уч нафар ўқувчиси "Келажак овози — 2008" кўрик-танловининг республика босқичида қатнашиб, "Ахборот коммуникацион технологиялари" ҳамда "Тасвирий ва амалий санъат" йўналишлари бўйича ғолибликни қўлга киритди. Коллежимизда фаолият юритаётган "Истеъдод маркази"га қўллаб ёшлар аъзо, — дейди танлов ғолиби Даврон Раҳимов. — Бу ерда биз тажрибали ўқитувчилар кўмагида илмий-ижодий ишлар билан мунтазам шуғулланганимиз ҳамда касб маҳоратимизни ошириб боришимиз учун барча шароитлар яратилган. Мунаввара ИСОКУЛОВА.

ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

Жорий йилнинг 19-21 февраль кунлари Тошкентда "Таълим ва карьера" деб номланган халқаро кўргазма ўтказилди.

Республика Савдо-саноат палатаси кўмагида туртинчи бор ўтказилажак мазкур кўргазма профессионал таълим олиш борасида ўзбекистонда, хорижда яратилган шарт-шароитлар, ўқув-услубий адабиётлар, мебель ҳамда ускуналар, компьютер ти-

зими ва дастурларини ўрганувчилар учун яратилган имкониятлар билан ёшларни, кенг жамоатчиликни таништиришга қартилганлиги билан ҳам ахамиятлидир. Кўргазмада ўқувчи-талабалар, абитуриентлар, ота-оналар энг самарали таълим шаклла-


рини танлаш имкониятига эга бўлишди. "Таълим ва карьера" кўргазмасида экспозициялар "Олий ўқув муассасалари", "Урта махсус таълим муассасалари", "Таълим маркази", "Таълим муассасаларини дастурий таъминлаш" каби бўлимларда намойиш этилди. Эслатиб ўтиш лозимки, мазкур халқаро кўргазма

мамлакатимизда 2006 йилдан бунён ўтказилди. Утган вақт мобайнида 35 тадан зиёд институт ва университет, пойтахтдаги 116 та коллеж ҳамда лицей, ўлтздан зиёд ўқув маркази, Россия, Украина, Латвия, Қозғистоннинг бир қанча университетлари қатнашган. Хусан СУЛАЙМОНОВ, "Туркистон-пресс".

Барҳаёт сиймолар

Шеърятта меҳр-муҳаббатни ҳаёт гўзаллиги, киши қалбига илқ туйғулар ва асосан улкан қалам соҳиб бўлган шоирлар уйғотилади. Мақсуд Шайхзода ана шундай забордаст, улкан таъсир кучига эга шоирлардан эди. У газетани севарди, ўзининг биринчи ижодий маҳсулини ардоқлаб, атайлаб бизга олиб келарди. Шундай кезларда шоирнинг сўбатидан баҳраманд бўлардик. Ил-

гари Шайх аканинг шеърларини ўқиб, саҳналарда қўйилган драмаларини кўриб, уни гойибдан танирдим. Ҳеч эсимдан чиқмайди, газетода адабий ходим бўлиб ишлардим. Шайх ака тахририятга келиб, журналистлар даврасида янги шеърларини ўқиб берганди. Ушанда Шайх ака билан шахсан бироз танишиб олгандим. Кейинчалик у билан дўстлашиб кетдим.



ГАЗЕТАНИ ҲУРМАТ ҚИЛАР ЭДИ

Шоир ўша кезлари Алишер Навоий кутубхонаси рўпарасидаги уйда истиқомат қиларди. Мен ишдан сўнг кутубхонага бориб, адабиётлар устида ишлардим. Шайхзода кўпинча эшиги ёнидаги хивбонда сайр қилиб юрган бўларди. Мени кўриши билан "ха, адаш, келдингизми" деб қўярди, кейин мени гапга тутарди. Ўша-ўша, биз "адаш"лар янада иноқлашдик. Ииллар ўтиб, республикамизнинг энг катта газетасида ишлаганимда ҳам "адашларга салом" деб, хонамга тўппатўри кириб келаварарди.

Шундан кейин Мақсуд Шайхзода ижодида янги янги саҳифалар очилди, ижодий изланишлар қизғин давом этди. Республика газет ва журналлари саҳифаларида, радио ва телевидениеда унинг қайноқ, юракдан ёзган, бадиий камолотга етган, жанговар ва лирик шеърлари энг қилди. "Ўзбекистон овози" газетаси адабиёт оламида катта мактаб, ёзувчи шоирларимизга қанот, янги асарларини оммалаштирадиган улкан ижодий даргоҳ десак, муволаф бўлмайди. Ўзбек адабиётининг йирик намоёндалари ўз ижодларини шу газета саҳифасидан бошлашган.

хикояни ёзиб олади, - деди. Фафур Фуломнинг "Менинг ўғригина болам" хикояси ўшанда тутилган эди. Шайхзода хасталаниб ётганида уни кўргани бордик. Шоирнинг касали оғир эди. Биз уни юпатдик. "Албатта тузалиб кетасиз, ҳали газетамиз саҳифаларида кўплаб шеър, мақолаларингизни ўқиймиз" дедик. - Агар тузалиб чиқсан, фақат газетангиз учун ишлайман, муҳбир бўлиб олам, - деди Шайх ака.

Орадан бир ойча вақт ўтиб, Шайх ака бироз тузалгандек бўлди. Уни уйига олиб келишди. Бу сафар борганимизда шоир очик чехра билан бизни ўзи кутиб олди. Адабиёт, санъат, тарих мавзусида узоқ сўхбатлашдик. У фалсафа ва адабиёт, тарихни яхши биларди, фикр доираси жуда кенг, мукамал инсон эди. Ўша йили улғу мутафаккир Алишер Навоий тутилган куннинг 525 йиллигига тайёргарлик қўйилган эди. Газета ва журналларнинг саҳифаларида Навоий ижоди ҳақида илмий мақолалар берилмоқда эди. Бир кун Шайх ака телефон қилиб, Алишер Навоий ҳақида илмий мақола ёзганганини айтиди. Кейин биласиз, телефонда гаплаган кезларида саломатлиги анча оғир экан. Шундай бўлсада, хасталигини билдирмай, ҳазиломуз гаплар қилди. Турмуш ўртоқлари Сакиноҳонимнинг айтишича, Шайх ака Навоий ҳақидаги ўша машҳур мақоласини оғир ахволда ётган кезларида ёзиб тамомлаган. "Хар бир хатбоши, хар бир жумлани ёзиб бўлиб, соатлаб дам олиб ётарди, кейин мақо-

лави яна давом эттирарди" деб эслайдилар Сакиноҳоним. "Ҳазал мулкнинг султони" сарлаҳали ўша машҳур мақола шоиримиз, адимимиз Мақсуд Шайхзоданинг газета саҳифасида босилиб чиққан сўнгги мақоласи бўлди. Мақола тўғрисида газет-хонлардан жуда кўп хатлар олдик. Эътиборимиз ўзларининг яхши фикр ва мулоҳазаларини айтдилар. Обрўли, эътиборли олимлар, ёзувчилар даврасида яхши фикрлар билдирилди. Шайхзоданинг ижодий йўлига бир кур назар ташлаган киши унинг адабиётимизга, шеърят мулкига кўшган хиссаси беҳисоб, бебаҳо ва гоят қimmatли эканлигига ишонч ҳосил қилади. Шайхзода Алишер Навоий ҳақида ёзган мақоласига "Ҳазал мулкнинг султони" деб аjoyиб сарлаҳ қўйганидек, биз ҳам камтарин, гоёт жафокаш, меҳнатсевар олимимизни, атоқли шоиримизни шеърят мулкнинг ҳақиқий газалхони эди, деб таъкидлаш оламиз. У Озарбайжон халқининг фарзанди бўлса ҳам, асосан ўзбек тилида ижод қиларди, икки халқ дилининг кўйчиси эди.

Сўзимни шоир Шайхзодадангиз "Нашрга киритилмаган қайдлар" дафтаридангиз сатрлар билан ақунломоқчиман: "Китоблар борки, муаллифи тириг-у, аммо ўзлари мурда... Аммо китоблар борки, хар ўқиганимда аллақачон ўлиб кетган муаллифини ҳаёт деб ўйлайсан. Шайхзодадангиз асарлари ҳам элининг ёдига, дилида. Қитоблари яшамокда, ўзлари гўё ҳаётдек, биз билан яшаётгандек... Мақсуд ҚОРИЕВ.



ХИТОЙ ҲАМ ИНҚИРОЗ ДОИРАСИДА

Хитойнинг нуфузли "Lenovo" компанияси жорий йилда икки минг беш юз ишчи ўрини қисқартиради. Ишчилар маоши эса 30-50 фоиз камайтирилади. Бундай ҳолат компанияга уч юз миллион АҚШ доллари миқдоридега маблағ тежаш имконини беради. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, компьютер ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур компаниянинг маҳсулотларига жаҳонда кузатилаётган иқтисодий инқироз сабабли талаб камайган. Маълумот ўрнида шунга айтиш жоизки, "Lenovo" компанияси замонавий компьютер технологияларини ишлаб чиқариш бўйича дунёда туртинчи ўринда туради.

БАНКЛАР ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА

Ирландия ҳукумати мамлакатнинг банк тизими фаолиятини ўзгартириш режасини тизди. Унга кўра мамлакатдаги учта йирик банк - "Allied Irish Bank", "Bank of Ireland" ва "Anglo-Irish Bank" акациялари эвазига беш ярим миллиард евро миқдоридега сармоя киритилади. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, эндиликда ушбу банклар қимматли қозғалар ишлаб чиқариб, молиявий ёрдам эвазига ҳукуматга дивиденд тўлайди. Мамлакат Молия вазирлигининг маълум қилишича, янги лойиҳа пенсия жамғармасига йилига тўрт юз етмиш бир миллион евро миқдорда даромад олиш имконини беради. Экспертларнинг фикрича, банк тизимидега амалга оширилаётган ушбу дастур Ирландия иқтисодиётини барқарорлаштиришга хизмат қилади.

ҚИШ ЗАҲРИНИ СОЧМОҚДА

Грузияда бир неча кундан бери кучли бўрон кузатилмоқда. Оммавий ахборот воситаларининг тарқатган маълумотларига кўра, жойларда тўпланиб қолган қор уюмларининг баланглиги икки метрга етган. Хабарларга қараганда, изғирин оқибатида электр тармоқларига шикаст етиб, минглаб одамлар ёруғлик ва иситиш таъминотидан маҳрум бўлган. Баъзи худудларда алоқа симлари ишдан чиққан, аэропортларда қатновлар бекор қилинган, транспорт ҳаракати тўхтаган.



МЕВАНИНГ САРАСИ ҲАҚИДА

Паркентнинг боғ ва узумзорлари таърифни эшитмаган, унинг ширин-шакар меваларидан тотиб кўрмаган киши бўлмаса керак. Бугун шу заминда меҳнат қилаётган юзлаб соҳибкору ер эгалори Паркент боғлари довуруғини янада мустаҳкамлаш ҳаракатидалар. Хусусан, фермер Шавкат Мўминовнинг нияти шундай. Ҳозир унинг тасарруфида 16,5 гектар серхосил боғ бор. Унинг 12,6 гектаридега нок, 3 гектаридега олхури, 1 гектаридега олма етиштирилиб, узоқ-яқин бозорларга етказиб берилаяпти. Фермер ўтган йили 3,7 гектар янги боғ, қарийб яна шунча майдонда янги тоқзор барпо этди. Уларда узум, олма ва шафтолининг серхосил навлари парвариш қилинмоқда. Етиштириладиган меваларнинг сараси бозорга, қолгани қайта ишлаш қорхоналарига шартнома асосида юборилади. Фермер ўтган йили етиштирилган мўл ҳосил эвазига 25 миллион сўм атрофида даромад олди. Алишер РАҲМАТОВ, СУРАТДА: фермер Шавкат Мўминов ва хўжалик бош ҳосилоти Абдуҳаюк Жумашов. Даврон АҲМАД олган сурат.

Қишлоқ мулкдорлари

Рустамнинг болалиги пахта далаларида ўтган. Гоҳ оила катталарининг, гоҳ кўпинча деҳқонларнинг ортидан эргашиб, уфққа туташ далаларда кунни кеч қиларди. У хўжалик табелчиликни, айниқса, икки хижатига ҳавас қиларди. Биринчиси - теппаси қирқкичи бўлса, саҳифалари боғичланган иш юритиш дафтери бўлса, иккинчиси - кўнжи қайрилган кирза этик эди. Унга уйдиганроқ худди шундай этикнинг жажжинини олиб беришганида қандай қувонгани ҳануз ёдига. Эҳтимол ўшанда чинакам деҳқон бўлиб, ер билан сирлашиб, тиллашиб яшашни ният қилгандир.

БИР-БИРЛАРИГА ИШОНИШАДИ, ТАЯНИШАДИ

лигимизнинг хар бир аъзоси яхши англайди. Аввало, ўзимиз ўрнак бўлишимиз, тер тўкиб ишлашимиз, хар бир ишга вақтида, масъулият билан ёндашимиз лозим. Шундангина фермерлик ўз афзалликларини тўла-тўқис намоеън этади. Дарҳақиқат, хозиргача хўжаликда эришиб келинаётган натижалар анча дуруст. Йил боши айна сарҳисоб палларари эмасми, фермер эришяётган ютуқлари мамнуният билан кайд этади. - Хисоблаб кўрсан, - дейди у, - иш бошлаганимиздан бери пахта ҳосилдорлиги 30, гаъла ҳосилдорлиги 55-60 центнер атрофида бўлиб келаятган экан. Бу ижобий натижа, албатта. Негаки, ширкат даврида режадаги ҳосилдорлик 12-15 центнерга

ҲАМКОРЛИК ШАРТЛАРИ - МАНФААТЛАР ТЕНГЛИГИ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2009 йилнинг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилиниши қишлоқ аҳолисининг айни кўнглидаги гап бўлди.

Қишлоқлардаги муаммоларни ҳал этиш, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга мустақилликнинг илк йилларидан бунён алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, аҳолига томорқа ажратиш берилган, чорвачиликни ривожлантириш рағбатлантирилган амалда самара бера бошлади. Қишлоқларни газлаштириш, аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминлаш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш борасидаги сай-ҳаракатлар тобора кенгаймоқда.

Сийсий партия ва фуқаролар йиғини

Барининг Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузасида белгилан берилган вазифаларни изчил амалга ошириши режалаштирилмоқдалар. Бундай масъулиятли ишда уларга кўмаклашиш мақсадида "Маҳалла" жамғармаси вилоят, туман, шаҳар кенгашлари, фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали, нодавлат ташкилотлар, шу жумладан, бошқа сийсий партиялар билан бир қаторда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вилоят кенгаши ҳамкорлигини қунайитириш ҳам муҳим аҳамият касб этапти.

Бундай ҳамкорлик Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида олиб бориладиган ишлар кўлами янада кенгайишига, қишлоқ ахлининг турмуш маданиятини янги поғонага кўтариш, уларни, янаваломбор, ёшларни иш билан таъминлаш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш имконини беради. Шу мақсадда биз ҳамкорликни кенгайтириш режасини тасдиқладик. Шу асосда маҳалла оксоқоллари, бошланғич партия ташкилотлари фуқароларнинг ўз қонуний ҳуқуқларини, эрк ва бурчларини англашига, сийсий онги, маданиятини ривожлантиришга, билим ва малакасини оширишга қаратилган сай-ҳаракатларни қунайитиришга, оёққа туриб олишлари учун тинимсиз иш олиб бориш ўрнига ортиқча мажлисбозлик билан шуғулланиб, ўзларини ишлаган қилб кўрсатишлари оқибати эканани қаттиқ танқид қилди. Бу камчиликларни бартафат этишда маҳаллий оҳимликлар, халқ депутатлари кенгашлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари муҳим ўрин тутадилар. Яқинда бўлиб ўтган қишлоқ ва маҳаллалар фуқаролар йиғинлари раислигига кўплаб билимдон, ташаббускор кишилар сайланган. Улар амалдаги қонунлар, фармон ва қарорлар, шунингдек, давлатимиз раҳ-

барининг Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Юртбошимиз вилоятнинг улкан салоҳиятини ишга солиш, барқарор ўсми суръатлари таъминлаш, йирик ижтимоий-иқтисодий дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш жараёналарини таҳлил қилиб, асосий эътиборни кейинги йилларда йўл қўйилган камчиликларни, ишни ташкил этишдаги нуқсонларни бартафат этиш масалаларига қаратди. Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидаги қолқоқлик шу соҳаларга мутасадди раҳбар, мутахассис ва фаолларнинг янгилик фикрлаш, ерлар унумдорлигини тиклаш, фермер хўжалиқлари чинакамага оёққа туриб олишлари учун тинимсиз иш олиб бориш ўрнига ортиқча мажлисбозлик билан шуғулланиб, ўзларини ишлаган қилб кўрсатишлари оқибати эканани қаттиқ танқид қилди. Бу камчиликларни бартафат этишда маҳаллий оҳимликлар, халқ депутатлари кенгашлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари муҳим ўрин тутадилар. Яқинда бўлиб ўтган қишлоқ ва маҳаллалар фуқаролар йиғинлари раислигига кўплаб билимдон, ташаббускор кишилар сайланган. Улар амалдаги қонунлар, фармон ва қарорлар, шунингдек, давлатимиз раҳ-

барининг Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Юртбошимиз вилоятнинг улкан салоҳиятини ишга солиш, барқарор ўсми суръатлари таъминлаш, йирик ижтимоий-иқтисодий дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш жараёналарини таҳлил қилиб, асосий эътиборни кейинги йилларда йўл қўйилган камчиликларни, ишни ташкил этишдаги нуқсонларни бартафат этиш масалаларига қаратди. Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидаги қолқоқлик шу соҳаларга мутасадди раҳбар, мутахассис ва фаолларнинг янгилик фикрлаш, ерлар унумдорлигини тиклаш, фермер хўжалиқлари чинакамага оёққа туриб олишлари учун тинимсиз иш олиб бориш ўрнига ортиқча мажлисбозлик билан шуғулланиб, ўзларини ишлаган қилб кўрсатишлари оқибати эканани қаттиқ танқид қилди. Бу камчиликларни бартафат этишда маҳаллий оҳимликлар, халқ депутатлари кенгашлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари муҳим ўрин тутадилар. Яқинда бўлиб ўтган қишлоқ ва маҳаллалар фуқаролар йиғинлари раислигига кўплаб билимдон, ташаббускор кишилар сайланган. Улар амалдаги қонунлар, фармон ва қарорлар, шунингдек, давлатимиз раҳ-

Республика Қўчмас мулк биржаси 15 ёшда! "Республика Қўчмас мулк биржаси" ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибидега ўтказилган оқик аукцион савдосига тақлиф этади! 1. 2009 йил 3 февраль кунини соат 11.00 да бўлиб ўтадиган тақририй аукцион савдосига қўйиладиган қўйилмоқда: 1. Тошкент вилояти Зангиота тумани суд ижрокчлари бўлими томондан: - ЖИБ Тошкент вилояти Зангиота туман судининг 28.07.2004 йилдаги 175/2004-сонли ижро варақасида асосан талданган, Зангиота тумани "Гунафша" ХХСК омиборида сақланган, "ТА3-6605" русумли, д/р 10U4951 бўлган, 1978 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 349 225,72 сўм. - ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 26.05.2006 йилдаги 1-270/2006-сонли ижро варақасида асосан талданган, Зангиота тумани, А.Шонхўжаев кўчаси 2-уйда сақланган, "ТА3-6605" русумли, д/р 30M6054 бўлган, 1984 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 1 280 000 сўм. 2. Қийраб тумани суд ижрокчлари бўлими томондан: Тошкент вилояти хўжалик судининг 13.05.2008 йилдаги 14-08-05/1520-сонли ижро варақаси ва 03.04.2008 йилдаги 11-08-05/1520-сонли ҳал қилув қарорига асосан талданган, Қийраб тумани Қийраб қ.ф.й.да жойлашган, сатҳи 2951,95 кв.м., фойдаланиш майдони 2217,46 кв.м. бўлган, 31-та хонали, 1 та меза сўққанданлиқ оғбор ва 2 та босирмадан иборат қўчмас мулк қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 123 333 АҚШ доллари. (Ўзлов Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг аукцион савдоси кунлидаги курс бўйича амалга оширилиши мумкин). Мазкур автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрокчлари бўлими вақилин иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабдорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Ўшбу савдоларда қатнашиш учун талабдорлар "Савдо ташкилотини" билан тузилган закат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закат пулини, хар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатини ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотини" РКМБнинг АТИБ "Ипотeka банк"нинг С. Раҳимов ф-даги куйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО 00901, ИНН 200933850, 20210000500571452105. Манзил: Тошкент ш., С. Раҳимов т., М. Ҳўрабозев кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабдорлар "Савдо ташкилотини" билан тузилган закат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закат пулини, хар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатини ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотини" РКМБнинг АТИБ "Ипотeka банк"нинг С. Раҳимов ф-даги куйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО 00901, ИНН 200933850, 20210000500571452105. Манзил: Тошкент ш., С. Раҳимов т., М. Ҳўрабозев кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz

